


ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

№ 8
2018

ISSN 2181-0714
WWW.IGTMLUZ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ



СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- ✓ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АМАЛДА
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРОГРАММА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ДЕЙСТВИИ
- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИЙ ОБРАЗОВАНИЯ И ЭТИКИ ВОСПИТАНИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАРИХИ
ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ
- ✓ КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ КАСБГА ЙЎЛЛАШ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
- ✓ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
- ✓ ОИЛА ВА МАКТАБ
СЕМЬЯ И ШКОЛА
- ✓ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури –
камиятти модернизациялаш, инновацион иқтисодиётни
трайиш ва фуқаролик жамиятини босқичма-босқич
ривожлантиришнинг асоси

Национальная программа по подготовке кадров Республики Узбекистан –
основа модернизации, создания инновационной экономики
и послужительного развития гражданского общества

Журнал Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти нашри.

Журнал Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда нашр этилмоқда.

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№8, 2018

	ТАЪЛИМНИНГ АХБОРОТ-РЕСУРС ТАРКИБИ / ИНФОРМАЦИОННО-РЕСУРСНАЯ СОСТАВЛЯЮЩАЯ ОБРАЗОВАНИЯ
3	Рысюкова Ю.В. Этапы формирования научно-методической web-деятельности у студентов направления «Профессиональное образование»
9	Ғаффаров Ф.Ҳ. Махсус фанларни ўқитишда электрон таълим ресурслари базасидан фойдаланишнинг интегратив модели ва унинг компонентлари
	ОЛИЙ ТАЪЛИМ / ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ
15	Вохидова Н.Х. Шарқ мутафаккирларининг таълимий-ахлоқий қарашлари
20	Авазбоев А.И., Пардабоев Ж.Э. Талабаларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари
26	Болтабоев С.А. Бўлғуси ўқитувчиларнинг глобал фикрлашини ривожлантиришда ахборот маданиятидан фойдаланиш имкониятлари
	ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ / ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
32	Бутаева У.А. Талабалар ижтимоий интеллекти психологик етуқлик компоненти сифатида
	ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
37	Каримов Қ.М. «MAPLE» дастурлаш тилини ўргатишда кейс-технологиясидан фойдаланиш
42	Жалолова П.М. «Атомнинг оптик спектрини ўрганиш» мавзусини лаборатория машғулотларида коммуникацион технологиялар воситасида намойиш этишнинг самараси
	МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
48	Ширинов М.К. «Табиатшунослик» фанини ўқитишда «тушунча», «тасаввур», «таҳлил» ва «таққослаш» категорияларидан самарали фойдаланишнинг методик шароитлари
54	Мирзаева Н.А. «Ўсимликлар олами ва уларнинг экологик аҳамияти» мавзусидаги умумлаштирувчи дарс
61	Махмудова С. Инновацион ёндашув асосида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг мусикий маданиятини шакллантириш технологиялари
	МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ / ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
66	Абдусаматова Н.Ж. Мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда интеграциялашган таълимдан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари
	ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ / ИНКЛЮЗИВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
73	Қодирова Ф.У. Имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг инновацион технологиялари
80	МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

«Замонавий таълим» («Современное образование») журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/2-сонли қарори билан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эътиборга олиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ва 19.00.00 – ПСИХОЛОГ ФАНЛАРИ бўйича).

Журнал «Замонавий таълим» («Современное образование») постановлением Президиума ВАК Республики Узбекистан от 20 марта 2015 года № 214/2 включён в перечень научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов докторских диссертаций (по 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ и 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ).

Бутаева Умида Алибоевна,
 Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
 университети таянч докторанти

ТАЛАБАЛАР ИЖТИМОЙ ИНТЕЛЛЕКТИ ПСИХОЛОГИК ЕТУКЛИК КОМПОНЕНТИ СИФАТИДА

БУТАЕВА У.А. ТАЛАБАЛАР ИЖТИМОЙ ИНТЕЛЛЕКТИ ПСИХОЛОГИК ЕТУКЛИК КОМПОНЕНТИ СИФАТИДА

Мақолада талаба психологик етуклигининг аспектиларидан бири бўлган ижтимоий интеллектни ўрганиш натижалари психологик таҳлил қилинган. Психологик етуклик компонентларининг ижтимоий муносабатларининг жинсий фарқлари ҳам ўрганилган. Ҳар икки жинс талабаларида психологик етилиш даврида мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш, новербал хулқ-атвори тушуниш мезонлари бир-бири билан боғлиқлиги инфодалагани сингари ижтимоий интеллект билан ҳам ижобий ҳамда тўғри корреляцион боғлиқлик исботланган.

Таянч сўз ва тушунчалар: ижтимоий интеллект, психологик етуклик, новербал хулқ-атвор, шахслараро ўзаро таъсирлашув, мулоқот иштирокчиси, вербал экспрессия.

БУТАЕВА У.А. СОЦИАЛЬНЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ СТУДЕНТОВ КАК КОМПОНЕНТ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ЗРЕЛОСТИ

В статье проводится психологический анализ социального интеллекта как одного из аспектов психологической зрелости студента. Также рассматриваются половые различия в социальных отношениях компонентов психологической зрелости. У обоих полов присутствует положительная и прямая корреляционная связь с их социальным интеллектом, поскольку психология - это понимание восприятий, мыслей и намерений автора сообщения и критерии понимания поведенческих восприятий.

Ключевые слова и понятия: социальный интеллект, психологическая зрелость, новаторское поведение, межличностное взаимодействие, межличностное общение, вербальное выражение.

BUTAeva U.A. SOCIAL INTELLECT OF STUDENTS AS COMPONENT OF PSYCHOLOGICAL MATURITY

There is provided in the article the psychological analysis of social intelligence, as one of the aspects of student psychological maturity. Sexual differences in the social relationships of psychological maturity components have also been studied. Both sexes have a positive and direct correlation relationship with their social intellect, as psychology is a comprehension of the perceptions, thoughts and intentions of the communicant, and the criteria for understanding the behavioral perceptions.

Keywords: social intellect, psychological maturity, nonverbal behavior, interpersonal interaction, interpersonal communication, verbal expression.

Талабаларнинг психологик етуклиги учун фақат ақлий интеллектнинг ўсиши ўзи етарли эмас. Ҳар бир талаба мутахассис сифатида шаклланишида ўз соҳаси учун керакли билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга қобилиятли субъект бўлибгина қолмай, ижтимоий муносабатларга мослашувчан, бошқаларнинг кечинмаларини ҳис эта оладиган, уларга ўз таъсирини ўтказувчи, муносабатларга киришимли, ўз хатти-ҳаракатларини бошқаларга мослаштири оладиган психологик етук шахс бўлишини ҳам тақозо этиши масаласи кўндаланг бўлиб қолди.

Психологик етуклик аспектилари кўп бўлиб, улар ўзларини ҳар хил кўринишда намоён этади. IQ коэффиценти юқори бўлган инсон умумий мазмунда мутлақо талабга жавоб бермаслиги ёки ижтимоий жиҳатдан психологик етук бўлмаслиги мумкин. Баъзи оддий шахсий маълумотга эга бўлган шахсларга нисбатан кўндаланг турмуш ташвишлари ва шахсларро муносабат масалаларини яхшироқ таҳлил этиши мумкин. Бу эса маълумотлилик даражаси ва IQ тест натижаларисиз таҳлил этиш қобилиятига эгадир. Таъкидлаш керакки, талабаларнинг ижтимоий интеллект мезонларини босқичлар бўйича ўрганишга ҳаракат қилганимизда ҳам бир қатор ижобий, илмий маълумотлар қўлга киритилди.

Биз тадқиқотимизда талабаларнинг нафақат жинси, балки уларнинг ёш хусусиятларига ҳам катта эътибор қаратдик. Биринчи навбатда барча синалувчиларнинг ёшини қайд қилиб чиқдик. Тадқиқотимизда тажриба-синов ишлари Самарақанд давлат университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Жиззах педагогика институти «Педагогика» ва «Физика» факультетлари 1-4-босқич талабаларида ўтказилди.

Талабаларда ижтимоий интеллектнинг ёш билан боғлиқ психологик жиҳатларига таъриф беришда Ж.Гилфорд¹ методикасининг натижаларига суяниб иш кўрдик. Методика бўйича талабалар 4 та субтестни ечдилар ва ҳар бир субтест (омил)га максимал (max.) 5 балл, минимал (min.) 0 балл қўйиб чиқилди. Шундан сўнг ҳар бир субтест бўйича йиғилган балларнинг умумий йиғиндиси топилди.

Биз шуни ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг психологик етуклиги аспекти сифатида ижтимоий интеллектини ҳам диагностика қиламиз ва унинг динамикасига ҳам эътибор қаратамиз. Қуйида (1-жадвал) тадқиқот натижалари шарҳига эътибор қаратамиз.

Талаба психологик етуклигининг аспектидан бири бўлган ижтимоий интеллектни ўрганишда Ж.Гилфорд методикасидан фойдаландик. Ушбу методика таркибидаги субтестлар талаба психологик етуклигининг баъзи қирраларини ёритишга хизмат қилади².

Психологик етуклик тушунчасининг мазмуни ва методикасининг хусусиятидан келиб чиқадиган бўлса, талабаларнинг мулоқотда ва ижтимоий шароитга мослашувчанликка қобилиятлилиги ҳамда инсонларни идрок этиш, улар билан мулоқотга киришимлилигидаги интеграллашган интеллектуал қобилияти ўртача даражали қийматни ифодаламақда. Демак, талабалар таълим жараёнида психологик етуклик сифати бўлган ижтимоий интеллектни ривожлантириш масаласига доимо эътибор қаратишлари лозим бўлади. Уларнинг ижтимоий интеллектни ифодаловчи мезонлардан «Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» бўйича ($3,18 \pm 0,59$) ўртача кучли даражани намоён этди. Бу талабаларда одамлар билан муносабатни олдиндан башоратлаш, турли воқеа-ҳодисаларнинг боришини тахминлашга лаёқатлари бўлса-да, аммо яққол тараққий этмаган. Шунинг учун уни ривожлантириш лозим деган хулосани беради. Талабалар ушбу субтестни юқори даражада ечиш билан нотаниш инсонларни фотосуратига қараб, унинг кимлиги, ички кечинмалари ҳақида батафсил тавсиф бера олардилар. Аммо талабалар ижти-

¹ Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта. // Психология мышления. Под ред. А.М.Матюшкина. - М.: «Прогресс», 1965. - С. 433-456.

² Ўша жойда.

1-жадвал. Талаба психологик етуклик компонентларининг ижтимоий интеллект кўрсаткичлари..

№	Ижтимоий интеллект субтестлари компонентлари	Ўртача балл	Оғиш
1.	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	3,18	0,59
2.	Новербал хулқ-атворни тушуниш	3,30	0,86
3.	Вербал экспрессияни тушуниш	2,89	0,62
4.	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	2,79	0,95

2-жадвал. Талаба психологик етуклик компонентларининг ижтимоий муносабатлари^{1, 2}

	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулқ-атворни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш
Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	I	0,401*	0,330	0,568**
Новербал хулқ-атворни тушуниш		I	0,346	0,610**
Вербал экспрессияни тушуниш			I	0,332
Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш				I

мой интеллектининг бу жабҳаси ўртачадан юқорироқ кўрсаткични кўрсатмоқда.

Талабаларда психологик етуклик ривожланишида новербал хулқ-атворни тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу новербал хулқ-атворни тушуниш бўйича ҳам ўртачадан ($3,30 \pm 0,86$) юқори қийматга эга бўлганлар. Бу талабалар ўзларини фаол ижтимоий муҳитга тайёрлаш, новербал сигналларни сезиш, одамларнинг новербал мулоқотлари ёрдамида тана ҳолати, мимикаси ва хатти-ҳаракатларига кўра баҳолаш кўникмалари борлигидан далолат беради. Талабалар ўзларидаги ушбу сифатни юқорироқ даражада шакллантиришга эришсалар, у ҳолда бу уларнинг фаол, стеник, чуқур рефлексияга, мулоқотда инсонларнинг эмоционал ҳолатларига нисбатан сезгирлик, ўзларининг ҳис-туйғуларини ҳам тушунишга мойилликлари ортисини билдиради.

Талабаларнинг методикадаги қолган иккита субтест кўрсаткичлари, яъни вербал экспрессияни тушуниш ($2,89 \pm 0,62$), шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш ($2,79 \pm 0,95$) бўйича ўртачага яқинлигидан талабалар ижтимоий интеллектининг ушбу жабҳалари ҳали ўртача даражада ҳам ривожланмаганлиги маълум бўлади. Бу эса талабалар психологик

етуклик қирраларининг тўлиқ ривожланмаганлигидан далолат беради.

Илмий тадқиқотимизининг мақсади талаба-ёшларда психологик етукликнинг ижтимоий-психологик томонларини илмий жиҳатдан асослаш ва амалда синаб кўриш лозим. Бунинг учун талабаларнинг ижтимоий интеллектини баҳолашга хизмат қилувчи тест мезонлари ёрдамида улар компонентларининг ўзаро корреляцион муносабатларини таҳлил қилдик (2-жадвал). Талабаларнинг ижтимоий интеллектининг компонентлари орасида ижобий корреляцион муносабатлар кузатилмоқда. Ўртача қиймат бўйича таҳлилимизда талабалардаги «мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» ва «новербал хулқ-атворни тушуниш» бўйича ўртачадан юқори кўрсаткичларга эгалиklarини корреляцион муносабатлар тасдиқлади ($r=0,401$, $p<0,05$). Яъни, талабалар шахслараро муносабатда интеллектуал қобилиятлари бирлигида умумий муҳит, суҳбатдошларни хатти-ҳаракатлари, шахсий фазилатлари, кечинмаларини баҳолаш имкониятлари қонуният жиҳатидан боғлиқлиги тасдиқланди. Психологик етуклик даражасига эришиш талабанинг салоҳияти, ишчанлик қобилияти, ақлий ва ижодий фаолияти маҳсулдорлигига боғлиқ бўлиб, барча талабалар тараққиёт чўққисига эришади, деган маънони англатмайди (2-жадвал).

¹ Жадвал тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилди

² * $p<0,05$; ** $p<0,01$

3-жавдал. Талаба қизларда психологик етуклик компонентларини муносабатлари^{1, 2}

	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулқ-атворни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш
Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	1	0,620*	0,578*	0,718**
Новербал хулқ-атворни тушуниш		1	0,331	0,628*
Вербал экспрессияни тушуниш			1	0,289
Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш				1

Талабалар ҳаётлари ва фаолиятларида муваффақиятга эришиш учун «мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилиятларини ўстириб борсалар, «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш»да ҳам муаммоларга дуч келмасликлари илмий жиҳатдан исботини топмоқда ($r=0,568$, $p<0,01$). Новербал хулқ-атворни тушуниш қобилиятини ривожлантириш орқали «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этувчанликни камол топтиришлари мумкин экан. ($r=0,610$, $p<0,01$). Психологик етуклик компонентлари билан ижтимоий интеллект миқдорларини боғлиқлиги ҳам шахснинг психологик етилишида аҳамият касб этиши табиий.

Талабаларни психологик жиҳатдан етук шахслар қилиб вояга етказиш жараёнида жинсий фарқлар бўлиши, эҳтимол. Бу эса муаммонинг жинсга муносабатини ўрганишни ҳам тақозо қилади. Шунга кўра, биз, талаба қизлар ва йигитларнинг жинси бўйича кўрсаткичларини ўрганишга ҳам эътибор қаратдик. Бу эса психологик етуклик даврида ижтимоий интеллектнинг ривожланганлик ҳолатининг жинсий тафовутланишидаги фарқларни баҳолашга олиб келди (3-жавдал).

Талаба қизлардаги ижтимоий интеллект мезонлари ўртасида умумий натижалардаги сингари корреляцион муносабатлар мавжуд бўлиб, уларда мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш новербал ($r=0,620$, $p<0,05$) ва вербал экспрессияни тушуниш ($r=0,578$, $p<0,05$), шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш қобилияти билан

ҳам ижобий корреляцион боғлиқликни акс эттира олган ($r=0,718$, $p<0,01$). Биз талаба қизлар психологик етилиш доирасидан ўзларининг ижтимоий интеллект маълум умумий кўникмаларига эгаликларини, аммо уларни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлашга мойилмиз.

Энди талаба йигитларнинг ижтимоий интеллект мезонлари ўртасида ўзаро корреляцион 4-жавдал кўрсаткичлари ёрдамида таҳлил этайлик.

Талаба йигитларнинг натижаларида эса қизларникидан фарқли жиҳатлар кузатилиши эҳтимол. Таҳлилларимиз талаба йигитларда ҳам талаба қизларнинг натижаларига боғлиқ тарзда мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш қобилиятлари новербал хулқ-атворни тушуниш ($r=0,368$, $p<0,05$) ва вербал экспрессияни тушуниш билан ($r=0,501$, $p<0,05$) тўғри корреляцион алоқадорликни намоён этди. Бундан кўринадик, талабаларда психологик етилишнинг умумий муҳитига ва муносабатларга ўзларини тайёрлашда етарлича фаҳм-фаросат ва ақлзаковат бор, аммо талабалар уларни турмуш тажрибалари ҳамда касбий шаклланиш жараёнида ривожлантириб боришларига тўғри келади. Таълим-тарбия жараёнида талаба йигитларнинг ўз устларида ишлашлари, ижтимоий интеллектни характерловчи фазилатларни шакллантиришни ортга қолдирмасликлари лозим бўлади. Талаба йигитларнинг ижтимоий интеллект кўрсаткичларидан кўринадик, мулоқот шароитидаги талабаларнинг атрофдагиларга нисбатан муносабатида интеллектуал жиҳатдан компетентли бўлган муомалани намоён эта олиши уларнинг психологик етуклигида ҳам аҳамият касб этар

¹ Жадвал тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.

² * $p<0,05$; ** $p<0,01$

4-жадвал. Талаба йигитларнинг ижтимоий интеллекти муносабатлари^{1,2}

	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулқ-атворни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш
Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	I	0,368*	0,501*	0,158
Новербал хулқ-атворни тушуниш		I	0,138	0,330
Вербал экспрессияни тушуниш			I	0,080
Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш				I

экан. Бизнинг тажрибамизда ҳар икки жинс талабаларида психологик етилиш даврида мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш, новербал хулқ-атворни тушуниш мезонлари бир-бири билан боғланишни ифодалагани каби ижтимоий интеллект билан ҳам ижобий ҳамда тўғри корреляцион боғлиқликни акс эттира олди (4-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда, талабалар психологик етуклик компоненти бўлган ижтимоий интеллект натижалари ўсиш ҳолати 4-босқичда яққолроқ ифодаланишини кўрсатди. Бундан кўринади, психологик етукликни таъминлаш учун аниқ ижтимоий психологик тадбирлар билан бир қаторда, талабаларнинг ўзлари шахсий сифатлари юзаси-

дан мустақил изланиш олиб боришлари ҳам зарур.

Ижтимоий интеллектнинг асосий вазифаларидан бири узоқ муддатли ўзаро муносабатларни шакллантириш, ўзаро муносабатларнинг даражаси ва характерини тушунган ҳолда келажакда бир-бирига ижобий таъсир ўтказиш ва муносабатларни мустақамлашдан иборатдир. Ижтимоий интеллект «инсонинсон» соҳасидаги касбларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, педагоглар, психологлар, психотерапевтлар, журналистлар, менежерлар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар, сиёсатчилар, тадбиркорлар фаолиятини прогноз қила олиш имкониятини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Богоявленская Д.Б. Интеллектуальная активность как проблема творчества. - Ростов: Издание Ростовского университета, 1983.
2. Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта. // Психология мышления. Под ред. А.М.Матюшкина. - М.: «Прогресс», 1965. -С. 433-456.
3. Гильяшева И.Н. Исследование интеллекта. / Методы психологической диагностики и коррекции в клинике. Под ред. М.М.Кабанова, А.Е.Личко, В.М.Смирнова. - Л.: «Медицина», 1983.
4. Ғозиев Э.Ғ. Психология. - Т.: «Ўқитувчи», 1994.
5. Ғозиев Э.Ғ. Талабаларни умумлаштириш усулларига ўргатиш ва уларнинг ақлий тараққиёти. - Т.: «Ўқитувчи», 1983.
6. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. - Т.: «Ўқитувчи», 1994.
7. Михайлова Я.И. Взаимосвязь уровня развития социального интеллекта с интеллектуально-личностными характеристиками у детей 6-7 лет. Автореф. дис. ... канд. психол. наук. - СПб, 2001.

¹ Жадвал тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.

² * p<0,05; ** p<0,01